

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан иш юритишни тугатиш тўғрисида)

2024 йил июль ойининг 16 куни, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди, очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, судья З.Тўраевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Т.Амоновнинг котиблигида, тарафлардан Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Мустафакулов, судланувчи М.Кучкаров ва унинг ҳимоячиси - адвокат М.Умирзакова, жабрланувчи Т.Рауповнинг иштирокида,

1989 йил 16 май куни Марҳамат туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, муқаддам судланмаган, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулландиган, Андижон вилояти, Марҳамат тумани, “Кончилар” маҳалласида яшовчи, иш бўйича “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, 2024 йил 5 июль куни соат 19 дан 19 дақиқа ўтганда ушланган, иш бўйича тузилган айблов далолатнома нусхасини 2024 йил 20 май куни олган **Кучкаров Муродилжон Мухтаржанович**га нисбатан

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан бўлган 1-1401-2406/509-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагилар

А Н И Қ Л А Н Д И:

Кучкаров Муродилжон Мухтаржанович ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, осон, тез ва мўмай даромад орттиришни кўзлаб, 2024 йил 15 январь куни соат 15:20 да Раупов Тура Абдужамолович Самарқанд шаҳар “Дамариқ” маҳалласи ҳудудида бўлган вақтда у билан телефон орқали гаплашиб, унинг ишончига кириш мақсадида, ўзини гўёки чет элда ишлаб чиқариладиган автомобилларни эҳтиёт қисмларини етказиб бериш билан анча йиллардан буён шуғулланиб келишлигини айтиб, унга 2.000.000 сўм миқдордаги пул эвазига “BMW” E34 русумли автомобилнинг орқа редукторини 2024 йил 16 январь куни етказиб беришлигини ваъда қилиб, фирибгарлик йўли билан келишилган пулларни тўлиқ қўлга киритиб, ишончни суиистеъмол қилиб, жиноий йўл билан қўлга киритилган пулларни ёки ваъда қилинган автомобильни эҳтиёт қисмини Т.Рауповга бермасдан пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган..

Судланувчи М.Кучкаров суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан иқрор эканлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаб етганлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарни



тўлиқ қоплаганлиги жабрланувчилар ва қонуний вакил билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Т.Раупов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Кучкаров Муродилжон Мухтаржановичга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлиги, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи (унинг қонуний вакили) билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, судланувчи М.Кучкаров, жабрланувчи Т.Рауповнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Самарқанд шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Мустафакулов ва химоячи М.Умирзакованинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, М.Кучкаровнинг судланмаганлигини, айбига иқрорлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарнинг тўлиқ қоплаганлиги, ярашув жабрланувчилар ва қонуний вакилнинг ўз хоҳишлари билан бўлаётганлиги, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашув таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, судланувчи Кучкаров Муродилжон Мухтаржановичга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни;

шунингдек, судланувчи М.Кучкаровга нисбатан қўлланилган “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартиришни ва уни дарҳол суд залидан қамокдан озод қилишни ҳамда ажрим қонуний кучга киргач муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилишни;

ишга қўшилган бир дона дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан судланувчи Кучкаров Муродилжон Мухтаржановичга нисбатан



юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекснинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан иш юритишдан тугатилсин.

Жабрланувчи Т.Рауповга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Судланувчи М.Кучкаровга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси, муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дарҳол суд залидан қамоқдан озод қилинсин, ажрим қонуний кучга киргач муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги “тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ишга қўшилган бир дона дискни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози томонлар ажрим эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи, жабрланувчи (қонуний вакили) ажрим нусхасини олган кунидан ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

З.Тўраев

